

**Кадилов М.А. СамДУ ижтимоий-иқтисодий география кафедраси
профессори, г.ф.н, Турон ФА фахрий академиги
СамДУ География факультети 2-курс талабаси Йўлдошев Ш,
СамДУ География факультети 1-курс талабаси Жабборов Н.
Самарканд, Ўзбекистон.**

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.

Аннотация: мақолада Самарқанд вилояти иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир этган омиллар, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти таркиби, киритилган инвестиция, экспорт ва импорт ҳажми, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг улуши ўрганилган ва илмий ҳулосалар берилган.

Калит сўзлар: географик меҳнат тақсимооти, ҳўжалик, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, деҳқончилик, чорвачилик, қадимий шаҳарлар, ипак йўли, ялпи маҳсулот, инвестиция, экспорт, импорт.

**Кадилов М.А. Профессор кафедры социально-экономической
географии СамГУ, к.г.н., почетный академик Туронской АН
Юлдашев Ш, студент 2 курса географического факультета СамГУ.,
Джабборов Н, студентка 1 курса географического факультета СамГУ.
Самарканд, Ўзбекистон.**

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ ЭКОНОМИКИ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ.

Аннотация: в статье рассматриваются факторы, повлиявшие на формирование и развитие экономики Самаркандской области, структура валового внутреннего продукта области, объем инвестиций, экспорта и импорта, доля предприятий с иностранным капиталом, даны научные выводы.

Ключевые слова: географическое распределение, экономика, промышленность, сельское хозяйство, земледелие, животноводство, древние города, Шелковый путь, валовой продукт, инвестиции, экспорт, импорт.

**Kadirov M.A. Professor of the Department of Social and Economic
Geography of SamSU, PhD in Geography, Honorary Academician of the
Turon Academy of Sciences
Yuldashev Sh, 2st year student of the Faculty of Geography of
SamSU.,
Dzhabborova N, 1st year student of the Faculty of Geography of
SamSU.
Samarkand, Uzbekistan.**

IMPROVEMENT AND DEVELOPMENT OF THE ECONOMY OF SAMARKAND REGION.

Abstract: the article discusses the factors that influenced the formation and development of the economy of Samarkand region, the structure of the gross

domestic product of the region, the volume of investment, export and import, the share of enterprises with foreign capital, scientific conclusions are given.

Keywords: geographical distribution, economy, industry, agriculture, farming, livestock breeding, ancient cities, Silk Road, gross product, investment, export, import.

Кириш. Ўрта Осиё ҳудудида қадимда европоид irqига мансуб бўлган форсийлар яшаган, улар томонидан деҳқончилик ўчоқлари яратилган. Ўша даврларда бу ҳудудда географик меҳнат тақсимооти натижасида, яъни ҳунармандчиликнинг деҳқончилик ва чорвачиликдан ажралиб чиқиши, бу ерда шаҳарларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Қарийиб уч минг йил тарихга эга бўлган Ўрта Осиёнинг шаҳарлари - Самарқанд, Бухоро, Ўратепа, Панжакент, Хива, Тошкент, Хўжанд, Ўш, Мари ва бошқалар ҳисобланади. Қадимда бу ҳудудларда деҳқончилик чорвачилик билан бирга қоғоз ва пахта ҳамда ипакдан ҳар хил матолар, шиша буюмлар ишлаб чиқарилган ва хатто бошқа мамлакатларга экспорт қилинган. Шу билан бирга Ўрта Осиёда нафақат ички савдо ишлари ривожланган бўлган, турли жойлардан савдогарлар келиб, бу ерда савдо ишлари билан шуғилланган[8].

Асосий қисм. 2022-йилда вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибида саноат ва қурилиш 24,7 фоиз, қишлоқ хўжалиги (ўрмон ва балиқ хўжалиги билан бирга) 32,1 фоиз, хизматлар соҳаси 43,2 фоизни ташкил этган. Самарқанд вилояти саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва ишлаб чиқариш қувватларини технологик жиҳатдан янгилаш натижасида 2022-йилда ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 5,8 фоизга ўсган. Вилоятда 2022-йилда минтақанинг асосий капиталига 21955,2 млрд сўм миқдорида инвестициялар киритилган, 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 29.5% га тенг.

Инвестициялар ҳажмининг асосий қисми Самарқанд шаҳрига, қишлоқ туманлари орасида Ургут, Самарқанд ва Пастдарғомда киритилган. Самарқанд вилоятида қурилиш ишларига 8762,2 млрд сўм

ажратилган ва ўсиш суръати ўтган йилга қараганда 10% ни ташкил этади (2022 й.)

Вилоят статистика бошқармаси маълумотларига кўра, қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 81,6 фоизи бино ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 14,1 фоизи фуқаролик қурилиш объектларини қуриш бўйича ва 4,3 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келган. Шунингдек, умумий ҳажмдан 89,3 фоизи қурилишга тўғри келади. 2022 – йилда умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш, бу жойларда спорт иншоотлари фойдаланишга топширилган. Коммунал қурилиш соҳасида ичимлик суви, газ тармоқлари ишга туширилган. Республикамиз мустақилликга эришгандан кейин, кичик бизнесга, инвестиция ва кичик қўшма корхоналарга катта эътибор берилди[5].

Самарқанд вилоятида 2023-йил маълумотида кўра кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 47943 тани ташкил қилди. 2019-йилда бу кўрсаткич 17261 тенг бўлган. 2023-йил ҳудудий маҳсулотнинг 72,5 % и кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди. Тадбиркорликнинг ривожланиши кўп ижобий оқибатлари мавжуд, биринчидан меҳнат ресурслари шу билан банд бўлади, даромад олади, шу билан бирга давлатга солиқ тўлайди.

Вилоятда 2022-йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 29373,7 млрд сўмни, қишлоқ хўжалиги (ўрмон ва балиқ хўжаликлари билан бирга) ишлаб чиқарилган маҳсулотлари умумий ҳажми 43933,0 млрд сўмни ташкил қилган. Вилоятда 21955,2 млрд сўмлик инвестициялар ўзлаштирилган, 8762,2 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Шунингдек, 656,1 млн АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди, 1728,4 млн АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар импорт қилинган. Самарқанд вилоятида 2023-йилда рўйхатга олинган юридик шахслар сони 47943 тани ташкил этади, шундан корхона ва

ташкilotларнинг асосий қисми, яъни 18972 таси савдо, 4287 қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, 8792 таси саноат, 4600 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари ва 3534 таси қурилиш соҳасини ташкил этади. Рўйхатга олинган корхоналарнинг 7,1 % и давлат мулки, 92,9 % и нодавлат мулки, шундан 9,5 % и хусусий корхоналар, 0,5 % и чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар ва 82,9 % бошқа корхоналар улушига тўғри келади[6].

Минтақада 2023-йил маълумотига кўра 47943 та кичик тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган, шундан 28,7 %и Самарқанд шаҳрида, 8,7 %и Ургут, 8,6 %и Пастдарғом, 7,4% и Самарқанд ва қолган қисми бошқа туманларга тўғри келади.

1-жадвал

Самарқанд вилоятида хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони
(2022-й).

Туманлар номи	Корхоналар сони	Корхоналар улуши, фоизда
Самарқанд вилояти	280	100,0
Самарқанд шаҳри	142	50,7
Каттакўрғон шаҳри	8	2,9
Туманлар:		
Оқдарё	7	2,5
Булунғур	7	2,5
Жомбой	24	8,6
Иштихон	3	1,1
Каттакўрғон	2	0,7
Қўшрабат	1	0,4

Нарпай	4	1,4
Паяриқ	2	0,7
Пастдарғом	12	4,3
Пахтачи	3	1,1
Самарқанд	14	5,0
Нуробод	5	1,8
Ургут	36	12,9
Тайлоқ	10	3,6

Жадвал вилоят статистика бошқармаси малумотлари асосида тузилди.

1-жадвал шуни кўрсатадики, Самарқанд вилоятида хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони жами 280 тани ташкил этади, шундан асосий қисми, яни 142 таси Самарқанд шаҳрида, 36 таси Ургут, 24 таси Жомбой, 14 таси Самарқанд, 12 таси Пастдарғом ва қолган қисми бошқа туманларда жойлашган.

Қадимда Самарқанд вилояти худудида туб жой аҳолиси томонидан дехқончиликнинг барча турлари яратилган ва ривожланган бўлган. Ижтимоий меҳнат тақсимои натижасида кейинчалик хунармандчилик ажралиб чиқган. Ўша вақтларда бу худудда қоғоз, ипак матолар, шиша буюмлар ишлаб чиқариш ривожланган бўлган, хатто ишлаб чиқарилган махсулотлар хориж мамлакатларида экспорт қилинган.

I-II асрларда Самарқанд Кушон подшолиги таркибидаги Сўғднинг йирик шаҳри бўлган, бу вақтларда бу ерда савдо ва қоғоз ишлаб чиқариш ривожланган бўлган. Ўрта Осиё давлатлари, Хитой, Кавказ, Қора денгиз бўйи, Ўрта ер денгизи давлатлари билан савдо ривожланган бўлган.

VIII-X асрларга келиб, Самарқанд арабларнинг марказига айланган. Араблар ҳукумронлиги пайтида бу ерда ипакчилик ривожланиб, хунармандчилик ва савдо марказлари вужудга келган. Шунингдек, бу ерда

яшил ўсимликлар ва далалар кўпаяди. Самарқанд воҳаси ҳудудида 12 та шаҳарлар барпо этилган[2].

X-XI асрларда Самарқанд Сомонийлар давлати маркази бўлган, бу даврда ишлаб чиқариш ва савдо билан бирга ,қишлоқ хўжалиги ҳам ривожланган. Ипак ва пахта матолар ишлаб чиқариш , зардўзлик, сопол ва шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш ривожланган, шунингдек, пахта, буғдой, гуруч ва бошқа маҳсулотлар етиштирилган. Ғарб ва Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқалари ривожланган.

XII-XIII асрларга келиб, Самарқанд Қорахонийлар давлатининг маркази, кейинчалик Хоразмшоҳ қароргоҳи бўлган. Бу асрлар мобайнида қурилиш ишлари ривожланган бўлиб, жуда кўп мачитлар, хаммомлар, кошоналар, архитектура мажмуалари қурилган. XIII асрда Самарқанд Чингизхон томонидан босиб олинган, шаҳар ва унинг атроф ҳудудида ривожланиш тўхтаган ва хўжалиги тараққиёти ҳам пасайган. XVI асрда Самарқанд Темур империясининг марказига айланган. Иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт кўтарилади, савдо ва шаҳарсозлик ривожланган. Амир Темур ҳукмронлиги даврида шаҳар ва унинг атрофидаги ҳудудлар ҳар томонлама ривожланиб гуллаб яшнайди. Бу даврда Шоҳи-Зинда мавзолейи, Бибихоним мачити, Гўри Амир ва бошқалар қурилган. Самарқанд йирик савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлган. Кўп аҳоли пунктлари, боғлар, кўчалар, майдон, кўприклар, ирригацион иншоотлар қурилган.

XV-XVI асрларда Самарқанд Шайбонийхон давлатининг маркази бўлган. Шайбонийхон ҳукмронлиги пайтида маҳсулот ишлаб чиқариш ва савдо пасайган, ғарб ва шарқни боғлаб турган савдо йўли ўз аҳамиятини йўқотади, хўжаликнинг ривожланиши сусаяди.

1868-1899 йилларда Самарқанд шаҳри Зарафшон ҳарбий округининг маркази бўлган, кейин рус империяси қошидаги Самарқанд вилояти марказига айланган. Бу даврда ишлаб чиқариш ва Европача иморатлар

қуриш ривожланган. Бозорлар, пахтани ва терини қайта ишлаш ривожланади, воҳа орқали темир йўл ўтади, тери, вино ва пахта тозалаш заводлари кўпайиб ривожланган.

1925-1930 йилларда Самарқанд ЎзССРнинг пойтахти бўлган. Бу йилларда маданий ва сиёсий ҳаёт, саноат ривожланган. Олий ўқув юртлари, театрлар, илмий текшириш институтлари очилган.

1910 йилда Самарқанд вилояти ҳудудида 35 пахта тозалаш, 5 та ёғ мой, 13 та чой қадоқлаш ва 20 та виночилик заводлари мавжуд бўлган. Пахта тозалаш заводлари Самарқанд, Челак, Каттакўрғон, Пайшанба ва бошқа жойларда қурилган бўлган. 30-йилларда Ўзбекистон ССР нинг пойтахти Тошкентга кўчирилганидан кейин, Самарқанд катталиги жиҳатидан республикамизнинг иккинчи шаҳри бўлган. 1934 йил маълумотига кўра, Самарқандда 52 та корхона бўлиб, унда 9 минг киши ишлаган. Таққослаш учун шуни таъкидлаш лозимки, ўша пайтда Тошкентда 145 та, Фарғонада 21 та корхона бўлган. 1940 йилда корхоналар сони 73 тага етгандан кейин, Самарқандда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1928-1929 йилларга нисбатан 6 мартага ошган (Муллажонов,1973).

1941-1945 йилларда бўлган уруш вақтида бир неча саноат корхоналари Россиядан Самарқанд шаҳрига кўчирилган, жумладан “Красний двигател”, “Кинап” ва бошқа корхоналар Собик Иттифок даврида Самарқанд вилояти ҳудудида кўплаб саноат корхоналари қурилган. Масалан нефт заводи, холодильник заводи, фарфор заводи, метални қайта ишлаш ва машинасозлик заводлари, тўқимачилик корхоналари, ёғ-мой, чой қадоқлаш, вино комбинатлари, тамаки ферментлаш, пахтани тозалаш ва қайта ишлаш заводлари, терини қайта ишлаш заводлари, кимё заводи, гишт заводлари ва хоказо.

Хозирги вақтда Самарқанд вилояти саноати кўп тармоқли бўлиб, бу ерда озиқ-овқат, енгил, кимё, фарфор, машинасозлик саноати яхши ривожланган. Ўзбекистон мустақилликга эришгандан кейин, бу ҳудудда

қурилган замонавий юк машиналар ва автобуслар “ИСУЗУ” “МАН” қўшма корхоналарининг конвейрларидан чиқди. Бу қурилган корхоналар вилоят иқтисодиётини юксалтиришда катта аҳамиятга эга бўлди[9].

Самарқанд вилоятининг асосий саноат корхоналари Самарқанд шаҳрида жойлашган. Булар автомобил, совутгич, шиша чинни идишлар, консерва, вино заводлари, кимё, чой қадоқлаш, газлама фабрикалари ва бошқалар Каттакўрғон шаҳри ва туман марказларида ёғ-мой комбинатлари, пахта тозалаш заводлари, дон ва вино заводлари мавжуд

2-жадвал

Самарқанд вилояти иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари.

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>2022 йилга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Ялпи ҳудудий маҳсулот	62440,3	105,8
Саноат маҳсулоти	29373,7	109,0
Истеъмол товарлари	18374,5	119,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	43933,0	103,7
Асосий капиталга киритилган инвеститсиялар	21955,2	129,5
Қурилиш ишлари	8762,2	110,1
Чакана товар айланмаси	27232,9	112,2
Хизматлар, жами	22734,9	114,9
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл)	2384,5	124,2
Экспорт	656,1	123,4
Импорт	1728,4	124,5
Салдо (+;-)	-1072,3	-

*Жадвал Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари
асосида тузилди*

Ингичкада тоғ-кон корхонаси ишлаб турибди.

Вилоятимиз саноатини келажакда ўсиши учун, ўзимизда бор хом-ашёларни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотни экспорт қилиш орқали эришишимиз мумкин. Бунинг учун эса, чет мамлакатлар билан қўшма корхоналар очиш талаб этилади.

Хулоса. Вилоятнинг табиий ва иқтисодий географик ўрни, тарихий-географик тараққиёт босқичлари, транспортнинг роли унинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ўзига хос ҳудудий хусусиятларини ташкил этади.

Минтақада энг аввало вилоятнинг маркази Самарқанд шаҳри, иккинчи маркази Каттакўрғон шаҳри унинг ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Ҳар бир вилоят ўзига хос такрорланмас хусусиятга эга, бундай географик ўзига хослик бир вилоят, қишлоқ тумани, ҳатто алоҳида қишлоқда бўлиши мумкин. Маълум жойларни ҳар жиҳатдан ўрганиш, география фанининг ноёб устунлиги ҳисобланади.

Ҳар бир географик объектни ўрганишда, барибир шаҳар функцияси асосий ҳисобланади, шунинг учун айнан шу шаҳар ҳаётининг ҳамма жабҳаларига таъсир кўрсатади. Масалан, аҳоли сони динамикаси, унинг ўсиши, аҳолининг табиий ва механик ҳаракати, меҳнат ресурслардан фойдаланиш характери, умумий экологик вазият ва ижтимоий муҳитига таъсир этади.

Самарқанд вилояти географиясини ўрганиш шундан далолат берадики, туманлар ичида кўп ҳолларда Жомбой, Пастдарғом, Ургут, Пахтачи, Нарпай, Самарқанд олдинда туради. Масалан, ҳам саноат, ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, аҳолига хизмат кўрсатишнинг турли соҳаларида ҳам уларнинг улуши юқоридир. Келажакда вилоятимизнинг қолган қисмлари ҳам ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиб боради. Келажакда Самарқанд “Сайқали рўи замин” мақомини сақлаш учун, вилоятимиз ҳар соҳада жадал ривожланмоғи лозим. Бунинг учун, ишнинг мазмунидан келиб чиқиб, илмий-амалий хулосалар қуйидагилардан иборат:

1. Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун жозибадор “инвестиция иқлими”ни шакллантириш;
2. Самарқанд шаҳрининг келажакдаги ролини мустаҳкамлаш;
3. Вилоят ҳудудларида хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестицияларни жалб этишни ривожлантириш;

4. Самарқанд вилояти аҳоли жойлашуви тизимини шакллантириш учун, вилоятнинг бошқа шаҳарларини ҳам қуйи бошқарувчи сифатида фаол ривожлантириш;

5. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, вилоятнинг катталиги бўйича иккинчи шаҳри Каттакўрғон ривожланиши анча орқада. Навоий шаҳрининг пайдо бўлиши, қадимий Каттакўрғон шаҳрининг Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари ўртасида турувчи ёки воситачи номини тортиб олди. Шунинг учун эндиликда Каттакўрғон Самарқанд вилоятининг ғарбида жойлашган туманлар ва Навоий вилоятининг қўшни туманлари билан мустаҳкам алоқаси ривожланиши лозим[6];

6. Давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатига мос равишда аҳолини тўғри ҳудудий ташкил этишни вилоят ва туманларнинг ижтимоий-иқтисодий дастурларини тузишда инобатга олиш.

7. Мамлакат халқ хўжалигининг бошқарилиши ва регионал сиёсатининг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг маъмурий ҳудудий тузилмаси билан боғлиқ. Шунинг учун туманлар ва вилоят чегарасининг барқарорлиги аҳолини ҳар кунлик ҳаётини ташкил этишда ҳамда йирик масштабли тарихий-географик тадқиқотларни аниқ статистик маълумотлар асосида олиб боришда катта аҳамият касб этади;

8. Мамлакатимиз, жумладан вилоятимизнинг кундан-кунга ҳар томонлама ривожланиб бориши, ҳозирги вақтда автомашиналарнинг кўпайиб кетганлиги сабабли, асосан Самарқанд шаҳри кўчаларини кенгайтиришни, кўчаларни икки қаватли қилишни, шаҳарда ҳаво йўли орқали осма йўللарни (конатный дорога) жорий этишни талаб этмоқда. Шунингдек, автомашиналар қўйиш шахобчаларини (автостоянка) иложи борица янги қурилган кўп қаватли уйлар остида (подвалида) ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки шаҳарнинг кўп ерлари автомашина қўйиш шахобчалари билан банд;

9. Самарқанд шаҳрини об-ҳавосини тоза сақлаш мақсадида шаҳарда иложи борича саноат корхоналарини жойлаштирилмаса яхши бўлар эди. Самарқанд қадимдан тарихий ёдгорликлари-Регистон майдони, Гўри Амир, Шоҳи-Зинда мақбалари ва бошқалар билан машҳурдир. Шунинг учун, республикамизда ва шаҳримизда туризмни янада ривожлантириш лозим бўлади. Бунинг учун чет эл сайёҳларини жалб этиш учун кўп ишлар қилиш керак. Масалан, ҳатто араб мамлакатларида ҳам туристларни жалб этиш учун, сайёҳлар дам оладиган кўнгилочар мажмуалар ташкил этилган. Самарқанд шаҳрида ҳам шундай қизиқарли бўлган кўнгилочар, дам оладиган мажмуалар очилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу билан бирга Самарқанд вилоятида чиройли табиат манзаралари мавжудлигини ҳисобга олиб, экотуризмни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилиши лозим деб биламан, чунки халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига нисбатан туризмдан катта даромад олиш мумкин бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон. 2017.
2. Абу Тоҳирхўжа. Самария. Т.: Камалак, 1991. – 82 б.
3. Анохин А.А., Житин Д.В. География населения с основами демографии. Санкт-Петербург. 2013. -307 с.
4. [David Yaukey](#), [Douglas L. Anderton](#), [Jennifer Hickes Lundquist](#). Demography: The Study of Human.Population. Waveland Press, 2007. 280 с.
5. Кадиров М.А. Самарқанд вилояти аҳоли географияси. -Самарқанд 2017. – 142 б.
6. Кадиров М.А. Самарқанд вилояти шаҳар аҳоли пунктларининг функционал турлари ва классификациясидаги ўзгаришлар. //Ўзбекистон география жамияти IX-съезди материаллари. –Т.: 2014. – б.170.

7. Кадиров М.А. Самарқанд вилояти аҳоли сонининг ўсиши. //Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 48 жилд. Т. 2016. – б. 70.
8. Кадиров М.А. Аҳоли географияси демография асослари билан. – Т., 2019. – 320 б.
9. Кадиров М.А. Шаҳарлар географияси. Тошкент.: – 2019. – 220 б.
10. Kadirov M.A., Sherkholov O.I. Improvement of Regional System of Settlement of Samarkand Region. International Journal of Trend in Scientific Research and Development/ Impact factor of the journal – 4.101. India 2018 y. – p. 12-14
11. Солиев А.С. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш (маърузалар матни). Т.: Ўзбекистон Миллий Университети, 2000. – 65 б.
12. [http: //www.cisstat.org](http://www.cisstat.org)
13. [http: //www.stat.uz](http://www.stat.uz)